# МЎЪЖИЗА КИМЁ ВА БИЗНИНГ ДУНЁ

## «УЗСЕЛЬХОЗХИМИЯ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ РАИСИ А. А. УРКИНБОЕВ «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

**— Абдукарим Абдуқодирович, жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида минерал ўғитлар, пестицидлардан, ўсимликларни ҳимоя қилишда заҳарли кимёвий воситалардан меъёридан ортиқ, бунинг устига нотўғри фойдаланиш оқибатида атроф муҳитнинг булғаниши танглик нуқтасига етди, аҳоли саломатлиги муҳофазаси ҳозирги пайтда энг долзарб муаммо бўлиб турибди. Нега шундай ҳолат рўй берди? Бутун ҳаёти агросаноат комплекси билан боғлиқ мутахассис, эндиликда мазкур тармоқни кимёлаштириш вазифасини бажараётган жумҳурият идорасининг раҳбари сифатида шу ҳақда фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз, кенг жамоатчилик кўнглидаги айни муддао бўлур эди...**

— Ўзингизга маълумки, жумҳуриятимизда ялпи маҳсулот кетидан қувиш туфайли далаларни кимёлаштириш тобора авж олди. Колхоз ва совхозларда минерал ўғитлар чамалаб, агрокимё картограммаси кўрсаткичлари ҳисобга олинмаган ҳолда катта миқдорда қўлланилди, заҳарли химикатлардан ҳеч асоссиз равишда фойдаланилди. Буларнинг ҳаммаси ташқи муҳитнинг фитосанитария аҳволи кескин даражада ёмонлашувига олиб келди, аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда, бу жараён ҳамон давом этмоқда. Боз устига кўпчилик колхоз ва совхозларга агрохимикатларни қўлланишдан кўрилаётган иқтисодий самара жуда паст даражада бўлмоқда.

Орол муаммоси билан боғлиқ экологик танглик, пестицидлар ва минерал ўғитлардан назоратсиз фойдаланиш туфайли аҳвол тобора қийинлашмоқда, атроф муҳити ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари кўплаб зарарланаяпти.

Мана шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ва пестицидлардан нотўғри фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш ҳоллари ҳозирги пайтда жуда кескин тус олди, рўй берган танг вазият жумҳурият аҳолисининг ҳақли равишдаги таажжуби ва норозилигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессияси (1989 йил 6 март) ҳужжатларида ўғитлар ҳамда пестицидларни сақлашдаги хўжасизлик, улардан уқувсизлик билан фойдаланиш тупроқда нитратлар, пестицидларнинг йиғилиб қолишига олиб келди, мева, сабзавот маҳсулотлари ва картошканинг сифати ёмонлашувига сабаб бўлди, деб таъкидлаб ўтилди. Масалан, жумҳурият Соғлиқни сақлаш министрлиги маълумотларига қараганда, 1988 йилда сабзавот-полиз маҳсулотлари текширилганда 3 фоизга яқинида нитратлар йўл қўйиладиган концентрациядан юқори эканлиги аниқланди.

Яқинда «Правда» газетасида (1990 йил 22 май) академик Р. В. Петров билан суҳбат босилди. У мамлакатимизда биологиянинг ривожланиш муаммоларига бағишланган. Бу атоқли генетик олим: «Ҳозирги пайтда инсоният кимёвий ўғитлар ва пестицидлардан бутунлай воз кеча олмайди, улардан ниҳоятда билимдонлик билан фойдаланиш зарур, албатта», — деб таъкидлади.

Кўрамизки, жумҳурият қишлоқ хўжалигининг бугунги юксак даражасини минерал ўғитлардан фойдаланмай сақлаб туриб бўлмайди. Аҳоли тинмай ўсиб бораётганлиги, унинг озиқ-овқат маҳсулотларига катта талаб эҳтиёжи ҳозирча минерал ўғитларни қўлланишни тақозо этаяпти. Бироқ улардан қандай фойдаланиш, салбий оқибатлар келиб чиқмаслиги учун нималар қилиш керак? Ҳаммамизни ташвишлантираётган масала бу.

Кейинги 25 йил мобайнида, айниқса КПСС Марказий Комитетининг май (1966 йил) пленумидан сўнг кимё саноатини зўр бериб ривожлантириш томон кескин бурилиш рўй берди. Маълумки, бу саноат қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар, озуқага қўшилмалар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқаради.

У пайтларда фан ҳам, амалиёт ҳам минерал ўғитлар, гербицидлар, дефолиантлар ҳамда бошқа хил пестицидларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашдаги аҳамиятини юксак баҳолаган, аммо атроф муҳитига салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларга олиб келиши мумкинлигига ҳеч ким аҳамият бермаган эди. Аҳвол яна шу билан мураккаблашиб кетдики, мамлакатимизда кимё воситаларини ишлаб чиқариш юқори суръатларда ривожланди, уни ташиш, сақлаш, фойдаланишнинг моддий базаси жуда орқада қолди. 1964 йилда Совет Иттифоқининг ҳамма жойларида бўлгани сингари жумҳуриятимиздаги барча вилоятларда ҳам тупроқ таркибини ўрганадиган агрокимё лабораториялари ташкил этилди, улар зиммасига колхоз ва совхозлар учун агрокимё картограммалари тузиб чиқиш вазифаси юклатилди. Мана шу картограммалар ёрдамида ҳар бир далага илмий жиҳатдан асосланган нормада ўғит солиш талаб қилинарди. Афсуски, моддий база йўқлиги сабабли бундай тавсиялардан ҳозирги кунга қадар бирорта хўжалик томонидан фойдаланилмаяпти. Ҳатто илмий-тадқиқот институтларининг тажриба хўжаликларида ҳам унга риоя этишмайди.

Шундай қилиб, биз чорак аср мобайнида (1965—1990) жумҳуриятда ўғит етказиб беришни икки баравар кўпайтирдик, ҳозир колхоз ва совхозлар йилига жисмоний вазнда 3,5 миллион тоннага яқин минерал ўғит олмоқдалар. Бироқ уларни биз йигирма беш йил бурун қандай бўлса, худди ўшандай шароитда сақламоқдамиз ва фойдаланмоқдамиз. Заводлардан келтирилаётган минерал ўғитларнинг 65 фоизи вагонлардан ерга тўкилади, кейин хўжаликларга ташилиб, далаларга чамалаб, яъни бригадирнинг айтганига қараб солинади.

Мана шунинг натижасида жумҳуриятимизда фақат «Сельхозхимия» базаларининг ўзида 15 фоизгача ўғит сақлаш босқичидаёқ нобуд бўлаяпти. Жиззах областида темир йўлга яқин жойлашган базалар умуман йўқ. У ерда ҳар йили 200 минг тонна минерал ўғит (жами ўғитнинг 95 фоизи) очиқ майдонларга туширилади-да, йил мобайнида 10 ойга яқин ётаверади. Табиийки, бундай шароитда ўғит, айниқса азотли ўғит ёмғир сувида эриб ариқларга, коллекторларга оқади, натижада ташқи муҳит кучли даражада ифлосланади. Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам минерал ўғитларни сақлашда аҳвол худди ана шундай.

Биз қуйидагиларни ҳисоблаб чиқдик: ўғитни бир йўла сақлаш учун 350 минг тонна сиғимли омборлар етишмайди, шунинг учун ҳам ҳар йили жисмоний вазнда 330 минг тонна, яъни 40 миллион сўмлик ўғитни бой бераяпмиз. Исрофгарчиликка йўл қўйилмайдиган, замонавий механизациялашган омборларни етарлича қуриш учун эса 50 миллион сўм керак. Қисқаси, биз маҳсулот таннархига қўшилаётган ҳамда атроф муҳитини ифлослантираётган ҳар йилги неча юз мингларча тонна нобудгарчиликларнинг ўрнини бор-йўғи бир ярим йил мобайнида қоплашимиз мумкин. Афсуски, бундай маблағга эга эмасмиз, экология мувозанатининг бузилиш жараёнини тўхтатиб қолиш учун эса шундай маблағни албатта излаб топиш зарур.

Яна битта, тоқатни тоқ қилаётган масала бор. У ҳам бўлса колхоз ва совхозларда минерал ўғитларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш аҳволидир. Ҳозирги пайтда саноқли хўжаликлардагина минерал ўғитлар таомилдагидек сақланаяпти ва фан кўрсатмасига биноан ишлатилаяпти. Хўжаликларнинг 90 фоиздан ортиқроғи ўз омборларига эга эмас, шунинг учун ҳам базалардан ўғитларни ё ташиб кетишмаяпти, ё бўлмаса тўғридан-тўғри дала шийпонларига, бригадага қарашли уйларга жойлаштиришмоқда ёки очиқ майдонга тўкишмоқда. Ўзингиз яхши биласиз: ўғит шу тариқа сақланадиган бўлса, колхоз ва совхозларнинг иқтисодиёти чок-чокидан сўкилибгина қолмасдан, экология ҳам бузилади.

Бунинг устига барча колхоз ва совхозларда минерал ўғитларни амалда агрокимё картограммалари ҳамда ЦИНАОнинг Ўрта Осиё филиали ҳар йили тузиб чиқаётган план-тавсиялар ҳисобга олинган ҳолда қўлланилмаяпти. Ерга ўғит солиш муддатлари ҳам қўпол равишда бузилмоқда. Натижада баъзи далалар ҳаддан ташқари тўйдириб юборилса, бошқа ерлар оч қолмоқда.

**— Экинларни ўғитлаш самарадорлиги қандай бўлаяпти ўзи? Бу соҳада тўпланган ижобий тажрибалар ҳам борми?**

— Кўп йиллардан буён минерал ўғитлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ғўзада 65—70 фоиз, шолида 58—65 ва дони олинадиган маккажўхорида 25—50 фоиз даражасида қолиб келмоқда. Бошқача айтганда, ғўзага солинган ўғитнинг ўртача 40 фоизи ҳосилни шакллантиришда қатнашмайди, шоли ва маккажўхори бўйича эса бундан ҳам ёмон. Фойдаланилмай қолган қисми оқава сувлар таркибида аста-секин дарёлар, кўлларга бориб тушади ёки тупроқнинг ҳайдалма қатламидан пастда тўпланади, бу билан ташқи муҳит экологиясига жиддий хавф туғдиради. Яқинда аспирант Ҳ. З. Ҳакимжонов тадқиқотлар ўтказиб, азот ўғитларидан оширилган дозада фойдаланиш тупроқда қолдиқ нитратларнинг кўп миқдорда тўпланишига олиб келишини аниқлади. Тошкент область Янгийўл районининг типик бўз тупроғида чигит экиш олдидан бир метр қатламда қолдиқ азот нитратлари йиғмаси гектар ҳисобига 569 килограммга, 10 метрли қатламда эса 4.800 килограммга етган.

Мавжуд аҳволдан чиқишнинг йўли борми? Ҳа, бор. Энг аввало ҳар бир хўжаликда худди Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозидаги сингари омбор ҳамда механизациялашган кимёлаштириш пункти бўлиши зарур. Кейинги беш йил мобайнида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда жумҳурият Агросаноат давлат комитети томонидан бу масалада тўрт маротаба қарор қабул қилинди, аммо бир қадам ҳам олға томон силжиш рўй бермади. Бу ҳол кишида афсусланиш уйғотади, холос. Масала ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, шундан кейингина ҳукумат томонидан аниқ тарзда ҳал этилиши зарур. Бизнинг назаримизда, ҳар бир вилоятда кимё иншоотлари қурилишини олиб бориш учун ихтисослашган механизациялашган кўчма колонналар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. У ҳам давлатнинг, ҳам колхоз, совхозларнинг объектлари қурилиши билан шуғулланган бўлур эди. Бундан ташқари кўчма колонналарни тегишли фондлар билан таъминлаш, уларга тегишли ресурслар ажратиш лозим.

Қишлоқ хўжалигида кимёлаштириш воситаларини ташиш, сақлаш ва фойдаланиш маданиятини тубдан кўтариш талаб этилади.

Масалан, кимё заводларидан ўғитларни ташишни олиб кўрайлик. Илгари пайтлари ўғитлар қопларга солиб жўнатиларди, энди эса сочма ҳолда юборилади, кимё заводлари истеъмолчининг розилигини олмай туриб стандартларни, ўғит нархини ўзгартираверадилар. Улар ўғитни реализация қилишдан (иттифоқ миқёсида 1989 йилда 1,5 миллиард сўм) жуда катта фойда кўрадилар, бу ўғитлардан колхоз ва совхозларда қандай фойдаланилаётгани билан асло қизиқишмайди.

**— Маълумки, кимёлаштириш воситаларининг тўғри сақланиши ва фойдаланилишини таъминлаш, ташқи муҳитнинг ифлосланиши доимий ва пухта назорат қилиш йўли билангина уларни қишлоқ хўжалигида қўлланиш натижасида содир бўладиган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Жумҳуриятимизда экологик вазиятни яхшилаш борасида кўрилаётган тадбирлар ва муаммолар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Қуйидагича тартиб ўрнатиш зарур: тегишли органлар томонидан рўйхатдан ўтказилмаган, паспортли омбор сиғимларига эга бўлмаган колхоз, совхозлар кимёлаштириш воситаларини олиш ва фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилсинлар.

У ёки бу препаратни шунчаки ман этишнинг ўзи кутилган самарани бермайди. Масалан, жумҳурият санитария врачининг 15 майдан бошлаб сабзавот-полиз экинлари учун аммиак селитраси беришни ман этиш ҳақидаги қарорини олиб кўрайлик. Бошқа турдаги азот ўғитларига эса таъқиқлаш белгиланмади. Аммиак селитраси ман этилган экан, хўжаликлар селитрага нисбатан азот таркиби 13 фоиз кўп бўлган карбамидни олаверадилар. Хуллас, маъмурий ҳужжатлар қабул қилишдан наф йўқ.

Баъзи муаллифларнинг чиқишларидан гўё қишлоқда минерал ўғитлар қўлланилмаётган экан, демак, маҳсулотларда нитратлар ҳам бўлмайди, деган фикр туғилмоқда. Улар органик ўғитдан фойдаланилаётган жойларда ҳам ортиқча нитратлар тўпланиб қолишини билмайдилар. «Сельская жизнь» газетаси шу йил 21 май сонида ёзишича, Францияда таркибида кўп миқдорда азот бирикмалари бўлган чўчқа гўнгини тўпловчилар ҳавони бузибгина қолмасдан, балки ерости сувларини ҳам нитратлар билан заҳарлаганлар.

Қўлланишни билмаслик натижасида қанча-қанча ўғит ва кимёвий дорилар тупроқдан ювилиб, ҳавога чиқиб кетаётганини, атроф муҳитини зарарлантираётганини ҳамма биладими? Олимларнинг тасдиқлашларича, пестицидларнинг қарийб 80 фоизи умуман ўсимликка ҳазм бўлмас экан. Саноат оммавий равишда ишлаб чиқараётган пуркагичлар на сифатини ва на дорини тежамли сарфлаш ҳамда чанглашни таъмин эта олмаяпти.

Товар шакли номукаммал бўлгани учун ҳам азотли ўғитларнинг қарийб ярми ўсимликлар томонидан ҳазм қилинмаётир. Мутахассислар шуни яхши билишади: агар секин таъсир этувчи ўғитлар, ингибиторлар қўлланилса, азотдан фойдаланиш коэффициенти 80 фоизга қадар ошади. Аммо бизда бундай ингибиторлар йўқ. Мазкур муаммони саноат ҳам йиллар мобайнида ҳал этиб бермаяпти.

Жумҳуриятимиздаги мингга яқин колхоз ва совхозда бирорта ҳам агроном-агрохимик йўқ экан, кимёлаштириш воситаларидан малакали ва самарали фойдаланиш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, гумус балансида камчиллик бўлмаслигини таъминлашда органик ўғитлар катта ўрин тутади. Минг афсуслар бўлсинки, бизда гўнг ва бошқа турдаги органик ўғитларга илмий асосланган ёндашув йўқ.

Ўтган йили жумҳуриятда ҳар гектар экинзорга 360 килограмм озиқли модда солинди, шундан минерал ўғитлар 301 килограммни (СССРда биринчи ўринда) ва органик ўғитлар 59 килограммни (еттинчи ўринда) ташкил этди.

Органик ўғитларга қўшган ҳолда солинган озиқли моддалар умуман солинган ўғитларнинг 16 фоизига тўғри келади. Бу кўрсаткич иттифоқ бўйича 33 фоиз, Украина, Белоруссия ва Болтиқбўйи жумҳуриятларида 42—37 фоиз. АҚШда эса бу кўрсаткич 61, Голландияда 63 фоизга тенг.

Гумуснинг тўлақонли балансини вужудга келтириш учун ҳар гектар ерга 16 тонна компост қилинган гўнг солиш талаб этилади, биз эса ўтган йили 4,9 тонна компост қилинмаган гўнг солдик.

Гўнгни, паррандаларнинг ахлати ва бошқа органик ўғитларни компост қилиш қандай натижа беради?

Бу энг аввало экологик вазифани ҳал этади. Фермаларда, паррандачилик фабрикалари ва чорвачилик комплекслари ён-атрофи ифлосланиши барҳам топади. Иккинчидан, касал тарқатувчи микроорганизмлар, ёввойи ўтларнинг уруғликлари йўқолишига ёрдам беради, учинчидан эса гўнгдаги озиқли моддаларнинг 80 фоизга яқини сақланиб қолади.

Органик чиқиндиларни компост қилишнинг кўзга кўриниб турган бундай афзалликларини колхоз ва совхозлар, қишлоқ хўжалиги органларининг кўпчилик раҳбарлари тан олишмаяпти, бугунги кунда биз гўнгнинг 90 фоизидан алмисоқдан қолган усулда фойдаланмоқдамиз.

Бир гектар ҳисобига минерал ўғитлардан фойдаланиш бўйича қуйидаги рақамларга эътибор беринг:

| | |
|---|---|
| СССРда | — 99 кг |
| Ўзбекистонда | — 301 кг |
| Японияда | — 436 кг |
| Бельгияда | — 600 кг |
| Голландияда | — 800 кг |

Бинобарин, минерал ўғитларни сақлаш ва улардан фойдаланишнинг илмий асосланган қоидаларига риоя қилишга ҳамма нарса боғлиқ.

Жумҳурият Соғлиқни сақлаш министрлигининг санитария хизмати томонидан барча колхоз, совхозлар, минерал ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланадиган бошқа корхоналару ташкилотлар текшириб чиқилиши ҳамда кимёлаштириш маҳсулотларини харид қилиш учун уларга тегишли рухсатнома ёзиб берилиши зарур. Бизнинг хизматимиз эса санитария органларининг санитария паспорти мисолидаги рухсатномаси бўлган хўжалик ва корхоналарга кимёлаштириш воситаларини етказиб бериш шартномаларини тузиш билан шуғулланган бўлур эди.

Ҳар бир хўжаликда кимёлаштириш пункти бўлмаса, минерал ўғитларни илмий асосда қўлланишнинг амалда умуман иложи йўқ. Биз бундан 50 йил муқаддам ўғитларни кўз билан чамалаб солган эдик, ҳозир ҳам шундай қилмоқдамиз.

Мана шунинг учун 1,5—2 йил мобайнида ҳатто ҳашар йўли билан бўлса ҳам ҳар бир колхоз ва совхозда кимёлаштириш пунктини (агрокимё маркази) қуриш (таъмирлаш)ни ниҳоясига етказиш энг биринчи даражадаги вазифа деб ҳисоблаймиз.

Ўз-ўзидан равшанки, кимёлаштириш пунктларини очиш ҳамма хўжаликларнинг қўлидан келади, бу нарса кўп жиҳатдан колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига боғлиқ. Аммо уларга амалий ёрдам кўрсатилиши, жумладан, қурилиш материаллари билан таъминланиши лозим. Агар кимёлаштириш пунктларини ташкил этиш ҳозиргидек суръатда борса, яна 20—30 йил керак бўлади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш шароитида тобора кўплаб ёрдамчи хўжаликлар, ижарада ишловчи бригадалар, томорқа эгалари пайдо бўлишмоқда, янги муаммолар туғилаяпти. Шунинг учун ҳам уларнинг ёппасига ўқишини ташкил этиш, кимёвий дорилар билан муомала қилиш асосларини ўргатиш даркор.

Мен йил бошидаёқ Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети раҳбарларига, шунингдек вилоят органларининг раҳбарларига мурожаат қилиб, экологик ва иқтисодий жиҳатдан жуда муҳим бўлган бу масалага эътиборни кучайтиришни илтимос этгандим, аммо ҳеч қандай натижага эриша олмадим.

Бирлашмамиз ўз ихтиёридаги озгина имкониятлар билан компост тайёрлаш ҳажмини 1,5—2 миллион тоннага етказмоқда. Бизда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун моддий-техникавий база етишмайди.

Ўзингиз ҳукм чиқара қолинг: район ишлаб чиқариш отряди кам қувватли 10—12 та трактор билан (юк ортиш техникаси бўлмагани ҳолда) бундан ортиқ иш бажариши мумкинми? Ҳатто ихтиёримизда мавжуд РОУ-5, РОУ-6 маркадаги катта ҳажмли гўнгсочқичлар ҳам кучли тракторлар бўлмагани учун бекор туриб қолмоқда.

**— Ўсимликларни ҳимоя қилишда турли хил кимёвий дорилар ишлатилмоқда. Маълумки, бу усул ҳам атроф муҳитни булғовчи манбадир. Дорини камроқ сарфлаш йўллари изланаяптими, умуман бу борада ижобий ўзгаришлар рўй берадими?**

— Бу соҳада жумҳуриятда муайян ютуқларга эришилди. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари кенг қўлланилаётгани туфайли кимёвий ишлов бериш ҳажми йилдан-йилга камаймоқда. Агар 1980 йилда кимёвий ишлов бериш 2,9 бараварга тўғри келган бўлса, 1988 йилда бир мартадан ҳам кам бўлди, ўтган йили эса ярим бараварни ташкил этди. Авиакимё ишлари салмоғи кескин даражада камайди. Ғўза баргини дорилашда авиацияни қўлланиш 10 баравар қисқарди. Кейинги ўн йил ичида қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши пестицидлардан фойдаланиш (олтингугурт препаратларидан ташқари) 10 баравар камайди ҳамда 1989 йили 6,6 минг тоннани ташкил этди.

Шу билан бир қаторда гербицидлар, дефолиантлар ва олтингугурт препаратлари қаторида пестицидларни сарфлаш ҳамон юқори даражада, ҳар гектар суғориладиган ер ҳисобига 11,6 килограмм, жумладан дефолиантлар 8,5 килограммга тўғри келади. Масалан, ўтган йили ҳаммаси бўлиб 85 минг тонна пестицид ишлатилди, шундан 70 минг тоннаси олтингугурт препаратлари ва дефолиантлардир. Агар олимларимиз кам нормада сарфланадиган янада самаралироқ дефолиантларни яратганларида эди, биз бугунги кунда ўн мингларча тонна заҳарли хлор бирикмаларини сочиб юбормас эдик. Магний хлоратидан воз кечганимизга 30 йил бўлди, эндиликда ҳам экологик жиҳатдан, ҳам агротехник жиҳатдан кераксиз ҳисобланган ана шу препаратга яна қайтдик. Кўриниб турибдики, фанимиз пахтакорлар олдида жуда қарздор. Олтингугурт препаратларини қўлланиш ҳақида шуни айтиш кераккй, ҳозирги пайтда унга қарши турадиган муқобил дори йўқ. Токка ун тушиши, ғўзанинг ўргимчаккана ҳашаротига қарши бир неча ўн йиллиқлардан буён олтингугурт препаратларини қўлланмоқдамиз.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш соҳасида бизда биологик усул катта ўрин тутади. Ҳимоя ишларининг умумий ҳажмида унинг салмоғи 70 фоиздан зиёдроқ. Бугунги кунда кимёвий усулларга муқобил ҳисобланган бир нечта янги ечимга эгамиз, яқин 2—3 йил ичида ғўза, дон, озуқа, сабзавот, полиз экинлари, боғ ва токзорларни ҳимоя қилишда кимёвий дорилар умуман қўлланилмайдиган бўлади. Фақат олтингугурт препаратлари қолса керак, чунки улар заҳари кам дорилар тоифасига киради.

Дефолиантлар ва гербицидларни қўлланиш соҳасида муаммо кўп. Улар ҳозирги пайтда ишлатилаётган пестицидларнинг умумий ҳажмида қарийб 60 фоизни ташкил этади. Мана шу масалада бизга фан жиддий ёрдам бериши керак.

Яроқсиз ва ман этилган пестицидлар аҳолида ҳақли равишда ташвиш уйғотаётган жиддий масала бўлиб турибди. Улар кейинги 10—12 йил мобайнида районлараро базаларимизда анчагина тўпланиб қолди. Ҳозирги кунгача 9,5 минг тонна ёки 25 миллион сўмлик шундай пестицидлар бор. Уларни балансдан чиқариш ҳамда йўқ қилиб ташлаш йўлларини топиш бугунги куннинг энг асосий вазифаси. Баъзи турдаги химикатларни заҳар қабрларига кўмиш талаб этилади, бошқаларини эса хавфи камроқ маҳсулот турларини ҳосил қилиш учун қайта ишлаш усули билан утиллаштириш керак.

Бунда икки масала ҳал этилиши зарур. Биз Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан 1990—1991 йилларда юқорида тилга олиб ўтилган заҳарли химикатларни ҳисобдан чиқариш учун 25 миллион сўм ажратишни сўрамоқчимиз. Иккинчидан эса маҳаллий Советларнинг ёрдамида уларни белгиланган тартибда ерга кўмишни таъминлашимиз керак. Айни пайтда мавжуд заҳарли химикатлар омборларини таъмирлаш, кўчириш ҳамда янги қурилганларидан фойдаланиш масаласи ҳал этилиши лозим. Бунда кўпгина қийинчиликлар келиб чиқади. Масалан, Ғузор заҳарли химикатлар базасини бошқа ерга кўчириш лозим. Биринчидан, бу база 20 йил муқаддам санитария нормаларига мувофиқ қурилган эди. Ўшанда унинг атрофида аҳоли пункти бўлмаган. Якка тартибда иморат қурувчилар учун ер ажратишнинг белгиланган қоидалари бузилганлиги натижасида база атрофида аҳоли пункти пайдо бўлди. Энди санитария нормалари бўйича эса омборни бу ердан кўчириш керак. Ўтган йили «Кўкдала» совхозида омбор қуриш учун майдон танланди. Дахлдор комиссия танлов актини қонунлаштирди. Ҳозирги пайтда лойиҳалаш ишлари тугалланди, энди қурилишни бошлаб юбориш лозим. Аммо бунинг иложи бўлмаяпти. Чунки маҳаллий аҳоли норозилик билдирди. Масала чигаллашди. Нима қилиш мумкин? Бу ерда Советларнинг ёрдами зарур бўлиб қолди.

Ёки Оҳангарон районидаги янги, замонавий заҳарли химикатлар омборини олиб кўрайлик. Оҳангарон шаҳар Совети уни савдога ўтказиш ҳақида қарор чиқарди. Чиғириқ, Кучлук аҳоли пунктларига яқин жойлашган нобоп омборларда сақланаётган заҳарли химикатларнинг атроф муҳитини ифлослантиришидан кўп йиллардан буён жабр тортаётган одамлар энди нима қилишсин?

Табиатни муҳофаза қилиш идораларининг ижобий хулосасига қарамай, Оҳангарон шаҳар Совети томонидан чиқарилган бу бир ёқлама қарор бизнинг қўлимизни боғлаб қўйди. ДДТ, бутифос ва бошқалар сингари ўта хавфли заҳарли химикатларни утиллаштириш масаласини тезроқ ҳал этиш зарур. Химикатлар қанча кўп сақлаб турилса, идишлар ҳам эскириб нурайди, бутифос оқиб чиқиб ташқи муҳитни булғайди.

Минг афсуски, тегишли органларга такрор ва такрор мурожаат қилаётганимизга қарамай, ана шундай хавфли химикатларни утиллаштириш масаласи ҳал бўлмаяпти. Бироқ биз ҳозирги пайтда ўзимиз шартнома асосларида хўжалик ҳисобида ишлайдиган марказ ташкил этдик. Бу марказнинг бир гуруҳ олимлари бутифосни утиллаштириш йўли билан экологик жиҳатдан хавф-хатарсиз маҳсулотга айлантириш устида бош қотиришмоқда. Мазкур гуруҳ ўз олдига қўйилган вазифани қай даражада ҳал эта олишини биз ҳали билмаймиз. Бинолар, зарур шарт-шароит йўқ. Жумҳурият Министрлар Совети мазкур масалани кўриб чиқиб, бизга ёрдам бериши лозим.

Бутифосни қўлланишни ман этиш хусусида матбуот айниқса шовқин-сурон кўтарди. Мана энди у ишлатилмаяпти, тўрт йилдан буён 2,8 минг тоннага яқин ўта хавфли бутифосни сақламоқдамиз. Бирор киши қизиқса қанийди. Матбуот ҳам жим, гўё муаммо ҳал бўлгандек. Биз эса ўз ёғимизга ўзимиз қоврилиб, масаланинг ечимини тополмай гарангмиз. Бундай заҳарни утиллаштириш йўли бутун дунёда йўқ.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: бизда кимёлаштириш воситаларини қўлланиш маданияти жуда паст. Ишончли омбор сиғимларимиз, жуда майда томчилаб пуркаш учун аппаратлар, якка тартибдаги ҳимоянинг пишиқ-пухта воситалари йўқ. Мана ўн йилдан буён экологик маънода ўзини оқламаган ОВХ-28 ўрнига штангали пуркагичларнинг афзалликлари ҳақида гапириб келмоқдамиз, аммо масала ҳал бўлмаяпти.

Биз пестицидларни сақлаш ва қўлланиш маданиятини оширишимиз ҳамда сувда, тупроқда ва озиқ-овқат маҳсулотларида уларнинг қолдиқ миқдорини лозим даражада назорат қилишни йўлга қўйишимиз керак. Ана шу масалаларни ҳал этмасдан туриб, қишлоқ хўжалигида пестицидларни ишлатмасликни, экологик жиҳатдан соф маҳсулот етиштиришни талаб қилиш, юмшоқроқ айтганда, бачканаликнинг ўзгинасидир. Унутмаслик кераккй, пахтанинг 45—50 фоизи, сабзавот, дон ва озуқа экинлари ҳосилининг учдан бир қисмини биз минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлатиш ҳисобига олмоқдамиз. Гербицидларни қўлланмасдан туриб гектар ҳисобига 60 центнер шоли ёки 400 центнер пиёз олишни тасаввур қиласизми?!

Мана шунинг учун ҳам кимё воситаларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва назорат ўрнатиш системасида қатъий тартиб бўлиши керак.

Кўп нарса мутахассисларга, бизларга боғлиқ. Наманганлик ҳимоячиларнинг тажрибаси бунга ёрқин мисолдир. Бу вилоятда аллақачонлардан буён шундай тартиб ўрнатилган: ҳар қандай колхоз ёки совхозда пестицидларни қўлланиш область ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси рухсати билангина амалга оширилади. Бу тартибга хўжалик раҳбарларидан тортиб вилоят раҳбарларигача — ҳамма риоя қилади. 1984 йилда Наманганда Бутуниттифоқ семинари ўтказилди, у ҳимоячиларнинг иш тажрибасига бағишланди. Афсуски, бу қимматли тажриба кенг ёйилмаяпти.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг биологик усули хусусида икки оғиз сўз. Унинг ташаббускори бундан ўн беш йил муқаддам жумҳуриятимиз мутахассислари бўлишган эди. Иттифоқда биринчи марта бизда йирик биологик фабрика қурилиб, ишга туширилди. Тошкентда иттифоқда биринчи марта трихограмма урчитиладиган механизациялашган линияни оммавий равишда ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Кейинроқ эса бошқа энтомофаглар урчитиладиган линиялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда жумҳуриятда 700 дан зиёд биолаборатория ишлаб турибди, уларда 500 та механизациялашган линия ўрнатилган. Ана шу лабораториялар кучи билан ғўзанинг 80 фоизига, жуда катта майдондаги боғлар, сабзавот ва озуқа экинларига ишлов берилмоқда.

Бироқ биологик усулнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Кўпчилик биолабораторияларда ускуналар ростмана эскириб қолди, бинони иситиш ва совутиш масалалари ҳал этилмаган. Ҳозирга қадар ҳашаротларни тарқатишни механизациялаш масаласи ўз ечимини топгани йўқ. Биолабораторияларнинг бу ва бошқа камчиликлари улар колхоз ва совхозларга тарқатиб юборилганлиги учун содир бўлаяпти.

Бундан уч йил муқаддам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда биолабораторияларни йириклаштириш кўзда тутилган эди. Афсуски, қарор қоғозда қолиб кетди.

Наманган биофабрикасининг тажрибасини ҳар томонлама ўргангач, шундай хулосага келдик: барча вилоятларда 20—30 механизациялашган линияга эга бўлган биологик марказлар барпо этиб, қолган лабораторияларнинг ҳаммасини тугатиш керак. Мана, баъзи қиёсий рақамлар: Наманган областида 2 та механизациялашган линияли ва икки филиалга эга бўлган биофабрика бутун вилоятни сифатли биоматериал билан таъмин этаяпти. Фарғона областидаги 66 та механизациялашган линияга эга ёки Намангандагига қараганда уч баравар катта ҳисобланган юздан ортиқ лаборатория эса ундан анча кам биоматериал бераяпти. Бунинг устига сифати ҳам яхши эмас. Сирдарё областида 49 та механизациялашган линияли 62 та лаборатория бор, аммо ярми ишламайди.

Агар жумҳурият ҳукумати бир қатор масалаларни ҳал этиб бермаса, бу вазифанинг уддасидан чиқишимиз жуда қийин бўлади. Энг аввало қурилиш ҳамда чет элдан ускуналар сотиб олиш учун маблағ билан таъминлаш манбаларини ҳал этиш керак. Биологик марказлар ташкил этишга эришсак, ўсимликларни ҳимоя қилишдаги ҳамма ишимизни биологик усулга узил-кесил ўтказиш имконига эга бўламиз.

**Суҳбатдош:**
**Тоҳир МИРҲОДИЕВ.**

